

«ТАСДИКЛАЙМАН»



Хоразм вилояти Қўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи

Б.Хасанов

2022 йил

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти  
Қўриқлаш бошқармасининг Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғида  
жойлашган Янгибозор тумани бўлими маъмурий биносини қуриш учун лойиха  
- смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Урганч шаҳри -2022 йил

## Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2022 йил 21 апрелдаги № 684 Ўзбекистон Республикаси «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Лойиха бошқарув миллий Агентлигининг «Харид тартиб тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги» тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармасининг Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғида жойлашган Янгибозор тумани бўлими маъмурий биносини қуриш учун лойиха – смета ишлаб чиқиш (Лойиха – смета ҳужжатлари, Топосъёмка, геология, ва муаллифлик назоратини ўз ичига олган ҳолда).

Танлов қиймати 50 563 200 (Эллик миллион беш юз олтимиш уч минг иккиюз)сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чикган лойихачи ташкилот билан шартнома тузилади.

Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

### ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш, (бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Урганч шаҳри Тинчлик кўчаси 12-уй

Электрон манзили:

2.2 Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик ҳаққу қилинган паёкат ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаган тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажаришган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;



танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Лойихалаштириладиган объект лойихалаштириш тоифасига кура 2-3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш объекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш(ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий – ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги ва олдин ишлаган объектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойихачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса

3.4 Танлов иштирокчилари- танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш, тузатиш ва тўғри қилиш (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожат қилиш ва қарорлар.

